

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «15» 4

2022-255-7-95-ОВ-сон

Иштихон шаҳри

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Иштихон туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар А.Ибрагимов бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «BEKZOD ARXITEKTOR» масъулияти чекланган жамият номидан Низом асосида иш юритувчи Ғ.Кубаев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яққа тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш ормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Иштихон туман Жоме масжидида қурилиш ва жорий таъмирлаш ишларини тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "7" апрелдаги 62282-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 77 948 220 (Етмиш етти миллион тўққиз юз қирқ саккиз минг икки юз йигирма) сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: қурилиш қиймагини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида агроф муҳитни, ўтказилган дарахларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун муддатда мазкур шартномага **1-иловага** мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказилади, бу **23 384 466 (Йигирма уч миллион уч юз саксон тўрт минг тўрт юз олти) сўм** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичида Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг **VI бўлимида** кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёриги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг **V бўлимига** мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра угалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома артлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

42.1. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбарлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

42.2. Томонда ушбу Шартноманинг 42.1.-бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

43. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

44. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

45. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

46. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«BEKZOD ARHITEKTOR»

масъулияти чекланган жамият

Манзил: Иштихон тумани Қорақишлоқ МФЙ

Қорақишлоқ қишлоғи

Тел: 97-907-44-22

Х/Р: 20208000605332794001

СТИР: 301630189 ИФУТ: 61110

Банк номи: Иштихон т.,ОАТБ "Агробанк"

Иштихон филиали

МФФ: 00309

Рахбар

Ғ.Жубаев



«Буюртмачи»

Иштихон туман Ободонлаштириш
бошқармаси

Манзил: Иштихон ш. Ғ.Ғулом МФЙ

Иштихон кучаси кучаси 124А-уй

Тел/факс: 629-69-74

Ш/ХВ: 401722860182127013990110001

СТИР: 206932760 ИФУТ: 90211

Иштихон т. буйича Газначилик Булимаси

Ғазна Х/Р: 23403000300100001010

Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. ХККМ

МФФ: 00014 СТИР: 201122919

Рахбар

А.Ибрагимов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BEKZOD ARXITEKTOR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holidagi to'liq nomi)

"BEKZOD ARXITEKTOR" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

26.01.2021

941613

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308121524

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Qoraqishloq MFY Qoraqishloq
qishlog'i,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

to'monidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури

Шартнома

2. Лойиҳанинг номи

Пудрат шартномаси

(Иштихон туман Ободонлаштириш бошқармаси ва “Бекзод Архитектор” МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаси. Ушбу шартнома Ўз.Р.Фуқаролик кодекси ва Ўз.Р. “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-Қонуни талабларига асосан тузилган)

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

Иштихон туман Ободонлаштириш бошқармаси 11.04.2022

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

2022 йил «11» апрел

Марказ бошлиғи:



Ш.М.Юлдашев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 62282 на приобретение Иштихон туман
Жоме масжидда курилиш ва таъмирлаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 07.04.2022

Время рассмотрения 07.04.2022 15:13

Конкурсная комиссия Иштихон туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|--|--------------------------------|--------------------|
| Председатель комиссии | SAYDULLAYEV ABDURASUL RUSTAM O'G'LI | Булим бошлиги | Комиссия аъзоси |
| Секретарь комиссии | NASIRDINOV KAMOLIDDIN G'AYBULLAYEVICH | Техник хафсизлиги мухандиси | Комиссия аъзоси |
| Член комиссии | PRIMOV MAXSUD SHAVKATOVICH | Бош хисобчи | Комиссия аъзоси |
| Член комиссии | SOHIBOV ABDUOMIT ABDULLAYEVICH | Иктисодчи | Комиссия аъзоси |
| Член комиссии | XIBBIMOV TULKIN BOLTAYEVICH | Агроном | Комиссия аъзоси |
| Член комиссии | BERDIRASULOV UCHKUN XUDOYKULOVICH | Бош мухандис | Комиссия раиси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.04.2022 года № лота 62282.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту нежилых зданий |
|---|---|
| Подробное описание | Иштихон туман Жоме масжидда курилиш ва таъмирлаш ишлари учун BM №46-сонли карори 6-боб 23-суз боши «б» кичик бандида курсатилган талаблар тулик мавжудлиги ва курилиш таъмирлаш ишлари сифати кафолат муддати 3 йил. Карорда курсатилган хужжатлар тули илова қилинсин. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 79 539 000.00 |
| Стартовая сумма | 79 539 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Давлат руйхатидан утказилганлик тугрисидаги Гувоҳнома ва ташкилотга тегишли хужжатлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утказилганлик тугрисидаги Гувоҳнома ва ташкилотга тегишли хужжатлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| SAM-BARAKAT-STROY MCHJ | 5 | ташкилоттга тегишли хужжатлар | 5 | Экспертная | | |
| ООО BEKZOD ARXITEKTOR | 5 | Давлат руйхатидан утказилганлик тугрисидаги Гувохнома ва ташкилоттга тегишли хужжатлар илов килинди | 5 | Экспертная | | |
| SAXOVOTLI TEMUR OK | 5 | Давлат руйхатидан утказилганлик тугрисидаги Гувохнома ва ташкилоттга тегишли хужжатлар илов килинди | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| SAM-BARAKAT-STROY MCHJ | 25 | Солиқлар ва мажбурий туловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмас | 20 | Экспертная | | |
| ООО BEKZOD ARXITEKTOR | 25 | Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги илова килинди | 25 | Экспертная | | |
| SAXOVOTLI TEMUR OK | 25 | Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида қайд этилмаганлиги илова килинди | 21 | Экспертная | | |

Критерий №3 Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| SAM-BARAKAT-STROY MCHJ | 30 | Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликлар мавжуд эмас | 20 | Экспертная | | |
| ООО BEKZOD ARHITEKTOR | 30 | Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги тугрисида илова килинди | 30 | Экспертная | | |
| SAXOVOTLI TEMUR OK | 30 | Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги тугрисида илова килинди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| SAM-BARAKAT-STROY MCHJ | 10 | гувоҳнома фаоллиги | 10 | Экспертная | | |
| ООО BEKZOD ARHITEKTOR | 10 | Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги илов килинди | 10 | Экспертная | | |
| SAXOVOTLI TEMUR OK | 10 | Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги илов килинди | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|-------------------------------|-----------------|--------------------|---------------------|-------------------------|
| SAXOVOTLI TEMUR OK | 79 539 000.00 | 78 743 610.00 | 07.04.2022 09:19:21 | 22.48 |
| SAM-BARAKAT-STROY MCHJ | 79 539 000.00 | 59 000 000.00 | 07.04.2022 08:59:29 | 30.00 |
| ООО BEKZOD ARHITEKTOR | 79 539 000.00 | 77 948 220.00 | 07.04.2022 09:02:15 | 22.71 |

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|-------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| SAXOVOTLI TEMUR OK | 56 | 22.48 | 78.48 |
| SAM-BARAKAT-STROY MCHJ | 55.3 | 30 | 85.3 |
| ООО BEKZOD ARHITEKTOR | 70 | 22.71 | 92.71 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 62282 от 07.04.2022 года на приобретение Иштихон туман Жоме масжидда курилиш ва таъмирлаш ишлари определила победителем:

ООО BEKZOD ARHITEKTOR
308121524

и резервный исполнитель: SAM-BARAKAT-STROY MCHJ (309133208)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|------------------------------|-------------------------------------|-------------|-------------|
| Член комиссии | BERDIRASULOV UCHKUN XUDOYKULOVICH | Согласен | |
| Председатель комиссии | SAYDULLAYEV ABDURASUL RUSTAM O'G'LI | Согласен | |
| Член комиссии | PRIMOV MAXSUD SHAVKATOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | SOHIBOV ABDUOMIT ABDULLAYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | XIBBIMOV TULKIN BOLTAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП